



2018

*“Madad Invest Bank” АТБ томонидан
2018 йил давомида амалга оширилган
ишлар буйича*

ҲИСОБОТИ

МУНДАРИЖА

Умумий маълумотлар	3
Банк активлари ва мажбуриятлари	4
Даромад ва харажатлар	7
Ходимлар билан ишлаш	9
Соф фойда ва бизнес режа кўрсаткичлари бажарилиши	11

УМУМИЙ МАЪЛУМОТЛАР

«Мадад Инвест Банк» 2018 йил давомида ўз олдига қўйган стратегик мақсадларга эришиш, жумладан банкнинг асосий ривожланиш концепциясини амалга ошириш мақсадида, даромад келтирувчи банк активлари салмоғини жалб қилинган депозитларни самарали жойлаштириш орқали ошириб борилди. Банк мижозлар базасини кенгайтирган ҳолда мавжуд ички имкониялардан тўлиқ фойдаланиб банк рентабеллигини ошириш бўйича чора-тадбирларни амалга оширди. Шу ўринда банкда зарурий штат бирликларини жорий этиш ва уларни малакали ходимлар билан бутлаш бўйича ҳам зарур чоралар кўрилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12-сентябрдаги “Республика банк тизимини янада ривожлантириш ва барқарорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3270 сонли Қарори ижросини таъминлаш ва ҳалқаро даражада рақобатбардош молия муассасасига айлантириш мақсадида, 2018 йилда банк хизматлари кўрсатишнинг замонавий усулларида кенг фойдаланиш, жумладан кичик тадбиркорлик субъектларини узлуксиз кредитлаш ва инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш, ҳамда масофавий интерактив банк хизматлари турини кўпайтириш орқали аҳоли ва тадбиркорлик субъектларини банк хизматларига кенг жалб қилишга алоҳида эътибор қаратилди.

Бунинг натижасида 2019 йилнинг 1 январ ҳолатига банк активлари - 225 627 млн сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 140 357 млн сўмга ёки 265 фоизга ўсди. Шундан даромад келтирувчи активлар - 111 298 млн сўмга етиб ёки ўтган йилга нисбатан - 67 274 млн сўмга ёки 253 фоизга ўсди. Даромад келтирадиган активлар салмоғини ўстириб бориш мажбуриятларини нисбатан камроқ ўсиши, яъни мос равишда мутаносиб кўпайтириш ҳисобига таъминланди, банк мажбуриятлари -113 438 млн сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан -50 388 млн сўмга ёки 180 фоизга ўсди.

Банк даромади - 16 326 млн сўмни, харажатлар -11 167 млн сўмни, соф фойда эса -5 160 млн сўмни ташкил этиб ўтган йилнинг шу даврига нисбатан - 3 140 млн

сўмга ёки – 255 фоизга куп фойда олинишига эришилди. Натижада банк бизнес режаси – 1 688 млн сўм кўп соф фойда олиниши билан 149 фоизга бажарилди.

Банк капитали – 112 189 млн сўмни ташкил этиб, бу йил ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 5,05 баробарга ёки – 89 969 млн сўмга кўпайди.

Банк ишчи ходимлари сони 74 тани ташкил этиб утган йилнинг худди шу даврига нисбатан 30 тага ошди.

Банк мижозлари сони – 5955 тани, шундан -323 та юридик шахс, -102 та якка тартибдаги тадбиркорлар ҳамда -5530 та жисмоний шахсларни ташкил этди. Бунда юридик шахслардан: -4 та давлат корхонаси, - 5 та чет эл корхоналари, -213 та хусусуий корхона ва МЧЖлар, -101 та фермер хужаликлари мижозлардан иборат. Шу ўринда ўтган йилнинг шу даврида банк мижозлари -2192 тани ташкил этган бўлиб, бундан кўриниб турибдики ўтган даврда мижозлар сони -3763 тага кўпайди.

Банк фаолиятини чуқурроқ, тахлил киладиган булсак, қуйидагиларни кўриш мумкин:


Банк активлари

Банк активлари йил бошига нисбатан, ўтган йил шу даврига нисбатан ҳамда ўтган чоракка нисбатан ўсиб бориш динамикасини қуйидаги жавдалда кўришимиз мумкин:

млн сўм.

Кўрсаткичлар	2018 йил 1 январ ҳолатига	2018 йил 1 апрел ҳолатига	2018 йил 1 июль ҳолатига	2018 йил 1 октябр ҳолатига	2019 йил 1 январ ҳолатига	Фарқи	
						Ўтган йилга нисбатан	Ўтган чоракка нисбатан фарқи
Нақд пуллар	851	1 471	3 756	3 108	7 061	6 210	3 953
Вакиллик ҳисоб рақамдаги пуллар	39 197	76 436	127 231	96 407	105 888	66 691	9 480
Ссудалар (соф холда)	43 968	49 267	58 549	79 912	110 100	66 133	30 188
Асосий воситалар	978	1 471	1 549	1 883	2 062	1 084	179
Бошқа активлар	276	445	748	1 378	516	241	-862
Жами	85 269	129 090	191 834	182 688	225 627	140 358	42 939

Банк активлари ўсиш динамикаси қуйидагича кўриниш олди.



Ўзаро қуйидагича улушларни ташкил этди:




Банк мажбуриятлари

Банк мажбуриятлари таркибини ўзгариши таҳлил этилганда йил бошига нисбатан, ўтган йил шу даврига нисбатан ҳамда ўтган чоракка нисбатан ўсиб бориш динамикасини қуйидаги жавдалда кўришимиз мумкин: млн сўм

Кўрсаткичлар	2018 йил 1 январ ҳолатига	2018 йил 1 апрел ҳолатига	2018 йил 1 июль ҳолатига	2018 йил 1 октябр ҳолатига	2019 йил 1 январ ҳолатига	Фарқи	
						Ўтган йилга нисбатан	Ўтган чоракка нисбатан фарқи
Талаб қилиб олингунча	34 725	12 374	47 760	42 888	63 622	28 897	20 734
Жамғарма	0	0	0	243	19	19	-224
Муддатли	24 910	28 514	20 670	251	36 938	12 028	36 687
Олинган кредитлар	0	0	328	2 565	2 622	2 622	57
Бошқа депозитлар	3 103	49 163	23 342	12 085	3 572	469	-8 512
Бошқа мажбуриятлар	310	15 983	26 810	37 238	6 664	6 353	-30 574
Жами	63 049	106 034	118 910	95 270	113 438	50 388	18 167

Ўсиш динамикаси қуйидагича



Ўзаро қуйидагича улушларни ташкил этди:



Банк даромад ва харажатлари таркиби таҳлили


Банкнинг даромад ва харажатлари таркиби қуйидагилардан иборат:

млн сўм

Кўрсаткичлар	2018 йил 1 январ ҳолатига	2018 йил 1 апрел ҳолатига	2018 йил 1 июль ҳолатига	2018 йил 1 октябр ҳолатига	2019 йил 1 январ ҳолатига	Фарқи	
						Ўтган йилга нисбатан	Ўтган чоракка нисбатан фарқи
Фоизли даромадлар	5 728	2 227	5 004	8 497	13 572	2 777	225
Судалардан олинган фоизли даромадлар	5 503	2 171	4 898	8 336	13 239	7 735	4 903
Берилган лизингдан олинган фоизли даромадлар	224	56	106	162	333	109	171
Фоиzsиз даромадлар	1 806	480	817	1 723	2 755	948	1 032
Комиссион даромадлар	1 684	416	703	1 280	1 961	278	681
Чет эл валютаси билан боғлиқ даромадлар	83	48	82	389	700	617	311
Бошқа даромадлар	39	17	31	54	93	54	40
Жами даромадлар	7 534	2 707	5 821	10 220	16 326	8 792	6 107

Фоишли харажатлар	1 511	577	1 395	1 976	2 005	494	29
Депозитларга фоишли харажатлар	1 511	577	1 394	1 961	1 968	457	7
Ссудалар бўйича фоишли харажатлар	0	0	1	15	37	37	22
Эҳтимолий йўқотишларга захиралар	511	257	292	600	1 198	687	598
Фоиhsиз харажатлар	341	112	318	612	1 216	875	605
Хизматлар бўйича комиссия харажатлар	259	91	227	406	923	664	517
Чет эл валютаси билан боғлиқ зарарлар	82	21	91	206	293	211	88
Операцион харажатлар	2 679	948	2 085	3 579	5 788	3 109	2 209
Иш ҳақи ва бошқа харажатлар	1 477	479	1 095	1 730	2 741	1 264	1 011
Оффис арендаси тўлови	319	97	213	373	569	251	196
Хизмат сафари ва транспорт харажатлари	41	16	121	166	187	146	20
Маъмурий харажатлар	156	52	138	207	299	143	92
Хайрия	284	89	111	124	144	-140	21
Эскириш харажатлари	95	68	155	252	375	280	123
Солиқ, сўғурталаш ва бошқа харажатлар	308	148	251	726	1 472	1 165	746
Жами харажатлар	5 042	1 894	4 091	6 765	10 207	5 164	3 441
Фойда солиғини баҳолаш	472	128	262	518	960	488	442
Соф фойда	2 020	685	1 467	2 936	5 160	3 140	2 224

Банкнинг соф фойдаси ўсиш тенденциясини қуйида чизмада келтирилади:



Ходимлар билан ишлаш.

Бугунги кунда банкда жами 74 нафар ишчи ходимлар фаолият юритаётган булиб, шундан 5 нафари бошқарув ходимлари, 30 нафари таркибий булинма бошликлари, 26 нафари мутахассилардан иборат. Банк ходимларининг 50 нафари олий иқтисодий маълумотли бўлиб, ундан 3 нафари банк молия академияси битирувчиларидир. Банкда урта ва ўрта махсус маълумотли малакали кадрларни қайта тайёрлаш буйича олий ўқув юртлари билан ҳамкорликлар олиб борилмоқда.

Кредитлаш иши.

Банк томонидан 2018 йил давомида таваккалчиликни максимал даражада ҳисобга олган ҳолда иқтисодиётнинг турли соҳаларига, жумладан реал сектор тармоқларига: қишлоқ хўжалиги, қурилиш, савдо ва умумий овқатланиш, саноат, транспорт ва коммуникацияга ҳамда жисмоний шахсларга жами 2482та мижозларга 131 936 млн сўм кредитлар ажратилди. Кредит портфели қолдиғи ҳисобот даври якунига 111 298 млн сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 67 274 млн сўмга ёки 253 фоизга кўпайди. Шу билан бир қаторда муддати ўтган кредит, фоиз ва бошқа муаммоли кредит қарздорликлари пайдо бўлишига йўл қўйилмади.

Кредит портфели қолдиғини ўсиш динамикасини қуйидаги жадвалларда келтирилади:

млн сўм

2018 йил 1 январ ҳолатига	2018 йил 1 апрель ҳолатига	2018 йил 1 июль ҳолатига	2018 йил 1 октябр ҳолатига	2019 йил 1 январ ҳолатига	Фарқи	
					Ўтган йилга нисбатан	Ўтган чоракка нисбатан
44 024	49 530	58 882	80 541	111 298	67 274	30 757

млн сўм

2018 йил 1 январга нисбатан ўсиб бориш динамикаси



Йил давомида кредитлар фоизларини ошириб бориш буйича фаол сиёсат олиб борилди. Кредитларга бўлган талабдан келиб чиққан ҳолда қўлланилган фоиз сиёсати натижасида кредитлар буйича ўртача тортилган фоиз ставкаси йил бошидаги 20,89га нисбатан 1,1556 баробарга ошиб, 24,14 фоизни ташкил этди.


Иктисодиётни кредитлаш буйича ҳам олиб борилган фаол тадбирлар натижасида эришилган ютуқларни куйидаги жадвалда куриш мумкин:

млн сўм

Кўрсаткичлар	2017 йил давомида ажратилган кредитлар	2018 йил 1-чораги давомида ажратилган кредитлар	2018 йил 2-чораги давомида ажратилган кредитлар	2018 йил 3-чораги давомида ажратилган кредитлар	2018 йил давомида ажратилган кредитлар	Фарқи	
						Ўтган йилга нисбатан	Ўтган чоракка нисбатан
Қишлоқ хўжалиги	5 033	721	4 843	12 763	16 707	11 673	3 944
Қурилиш	3 231	962	2 057	7 087	14 657	11 426	7 571
Савдо ва умумий овқатланиш	11 389	8 186	13 958	20 511	25 503	14 114	4 991
Саноат	97 966	26 734	30 806	35 197	53 295	-44 671	18 098

Транспорт ва коммуникация	11 098	1 240	2 760	3 080	6 095	-5 003	3 015
Бошқа соҳалар	3 482	1 769	3 059	8 660	15 680	12 198	7 020
Жами	132 199	39 612	57 482	87 297	131 936	-263	44 639

2018 йил давомида ажратилган кредитларни соҳалар бўйича тақсимланиши қуйидаги чизмада келтирилади:



Куриниб турибдики ажратилган кредитларнинг катта улуши саноат соҳасига тугри келади. Бугунги кунда саноат ишлаб чиқариши бўйича давлат сиёсати фаоллашаётган шароитда бу ҳолат мантиқан ижобий ҳисобланади.

Соф фойда ва бизнес режа кўрсаткичлари бажарилиши

Банк даромади 16 326 млн сўми, харажатлар 11 167 млн сўми, соф фойда - 5 159,7 млн сўми ташкил этиб ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 3140 млн сўмга ёки 255 фоизга кўп фойда олинишига эришилди. Банк бизнес режаси 1688 млн сўм ортиқча соф фойда олиниши билан ёки 149 фоизга бажарилди.

Бошқарув раиси:

Ф.О.Камалов